

УНДАШНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ ВОСИТАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Азиза Арслоновна МУМИНОВА

Ф.ф.б.ф.д (PhD)

Катта ўқитувчи

Умумий тилшунослик кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВЫХ СРЕДСТВ ВЫРАЖЕНИЯ ПОБУДИТЕЛЬНОСТИ

Азиза Арслоновна МУМИНОВА

Доктор (PhD) по филологии

Старший преподаватель

Кафедра общего языкознания

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

FEATURES OF THE STUDY OF LINGUISTIC MEANS OF EXPRESSION OF MOTIVATION

Aziza Arslonovna MUMINOVA

Teacher

Doctor (PhD) in Philology

Department of General Linguistics

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan azikamadi@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.44

Иқтибос келтириш учун (For citation, для цитирования):

Муминова А.А. Ундашни ифодаловчи тил воситаларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 4 (39). — С.48-61. <https://doi.org/10.36078/1633676434>

Received: June 22, 2021


Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада ундаш категорияси ҳақида сўз юритилиб, кўп қиррали тушунча эканлиги, ҳаётимизда, шу жумладан, илм оламида ҳам мавжудлиги келтирилган. Ушбу категория бир неча босқичлардан ўтиб келаётган бўлса-да, ҳали ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Мулоқот пайтида гаплар, жумлалардан фойдаланилар экан, албатта, гапларнинг тузилиш жиҳатдан семантикасига эътибор қаратиш лозим. Улар кўзланган мақсад томон йўналтирилади ва мулоқот жараёнида сўзловчининг ижобий ёки салбий натижага эришишида муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда ундаш муҳим омил ҳисобланиб, сўзловчининг кўзлаган мақсадига етишига ёрдам беради. Ундаш категориясини ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари ва уларни ўрганиш турли миллий маданият ва менталитетга эга коммуникантлар ўз хоҳиши, истаги, ихтиёри ва ниятидан келиб чиқиб, тингловчини бирор ҳаракатни амалга оширишга ундаш нутқий акти ижобий ёки салбий яқун топиш омилларини очиш имкониятини беради. Ундаш тушунчаси императив категорияси билан боғлиқ. Императив семантикаси ундашнинг маъновий қисмидир. Императив грамматик категория бўлиб, ундаш усулларидан бири. Ундаш категорияси ниҳоятда кенг ҳисобланиб, индивиднинг кўзлаган мақсадига етишига ёрдам беради. Бунда ундашни ифодаловчи тил

бирликларининг лисоний, прагматик, лингвомаданий ва ҳ.к. хусусиятлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ундашдаги стереотиплар халқ миллийлиги ва менталитетига асосланган бўлади.

Калит сўзлар: ундаш категорияси; матн; модаллик; реплика; лингвомаданият; дискурс.

Аннотация. В статье рассматривается категория побуждения. Когда отдается приказ и распоряжение, сема приказа наряду со специальными лексическими и грамматическими формами, обозначающими подобные побуждения, преподносится также посредством слов, обозначающих объект, побуждаемый к действию. В качестве таких слов выступают имена существительные, наречия и междометия. Также рассказывается о теории речевых актов, анализируются прагматические факторы, их влияние на содержание текста. Категория побуждения, которая выражается в рамках отражающих национальную культуру в единицах языков, имеет сходные и отличительные черты в сравниваемых языках. Сходные и отличительные особенности в выражении побуждения обуславливаются национально-культурными (лингвокультурологическими) особенностями. Стереотипы в процессе побуждения основываются на том, каковы национальность и менталитет народа. В выборе языковых единиц, выражающих побуждение, большое значение имеет их принадлежность к какому-либо языку. Ибо каждая нация имеет свои национально-культурные ценности.

Ключевые слова: категория побуждения; текст; модальность; реплика; лингвокультурология; дискурс.

Abstract. The article deals with the category of motivation as a complex, composite construct, with its key components. The study claims that motivation and management of our own behavior along with special lexical and grammatical forms denoting such impulses are necessary for effective communication. In particular, the nouns, adverbs, and interjections have been considered as a means of motivation. It also describes the theory of speech acts, analyzes pragmatic factors, and their influence on the content of the text. The category of motivation, which is expressed within the framework of reflecting the national culture in the units of languages, have similar and distinctive features in the compared languages. Stereotypes in the aspect of motivation are based on the national and cultural values of language bearers..

Keywords: category of motivation; text; advertising; modality; replica; linguocultrology; discourse.

Кириш. Ундаш, модалликдан фарқли ўлароқ, “нутқ актининг шундай турики, унда сўзловчининг тингловчига нисбатан хоҳиши, истаги, ихтиёри ва нияти берилади”. Яъни модаллик сўзловчининг гап мазмунига муносабатини кўрсатса, ундаш сўзловчининг тингловчига нисбатан амрини намоён этади.

Ундашнинг модалликдан алоҳида категория сифатида ажратилишига сабаб, у бир қанча унсурларни умумий ундаш семаси остида бирлаштирадики, бу унсурлар бир томондан мураккаб бир бутуннинг таркибий қисми сифатида адресатни бирор-бир иш-ҳаракатга ундаса-да, иккинчи томондан, улар бир-бирини кесиб

ўтмайди, такрорламайди. Ҳар бир таркибий унсур ўзига хос ундаш моҳиятига эга, мисол учун: буйруқ, илтимос, рухсат, тақиқ, маслаҳат, огоҳлантириш ва ҳ.к.

Ундаш мустақил категория сифатида коммуникатив семантик тус ва ўз тузилмасига эга. Ундаш категориясининг тузилмаси, А. Ю. Маслова фикрича, мазмун, олиб узатиш ва ифода жиҳати узвийлигидан иборат. Мазмун томони коммуникатив прагматик ва семантик таркибий қисмлардан, олиб узатиш плани ундаш маъносини акс эттирувчи тил бирликлари майдонидан, ифода жиҳати эса фонологик, интонацион ва график қисмлардан ташкил топган (1, 7).

Асосий қисм. Француз, ўзбек, рус тилларининг олам манзарасида *буйруқ* ундаши алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ундаш турли тил бирликлари ёрдамида ўз ифодасини топади. Жумладан, қиёсланаётган тилларда *буйруқ* ундаши махсус лексик ва грамматик воситалар ёрдамида берилади. Лексик ва грамматик воситалар бундай ҳолда *буйруқ* ундашининг шаклий ифода воситалари вазифасини бажариб, буюриладиётган ҳаракат объектини англатувчи сўзлар ёрдамида етказилади. *Буйруқ* ундашини ифодаловчи тил бирликлари қиёсланаётган тиллар доирасида ўзига хос жиҳатларга эга.

Буйруқ ундаши адресантнинг нутқ акти адресатга нисбатан бевосита (тўғридан-тўғри) ёки билвосита амалга ошириладики, *буйруқ* ундаши бу усулларнинг қай бири билан берилиши қиёсланаётган тилларда ҳам ўзига хос лингвомаданий хусусиятларга эга. Бевосита *буйруқ* ундаши сўзловчи (адресант) томонидан тингловчи (адресат)га берилади ва топшириқни бажариш бевосита адресат зиммасига юклатилади. Масалан, *Malgré sa frayeur, Munnabtu trouva la force de crier:*

Naqîa! Sauve toi! Vite! (13, 89)

Ушбу мисолда *буйруқ* ундаши буйруқ майли (mode impératif) билан берилган. Бундай шаклда ўз аксини топган *буйруқ* ундаши адресант томонидан бевосита адресатга қаратилган бўлиб, бу муносабатни *адресант* → *адресат* кўринишида ифодалаш мумкин.

Кларахон автобус шофёрига буйруқ берди.

— *Сиз ҳайдайверинг, Лочин иккимиз етиб оламиз!* (4, 55). Ушбу ўзбек тилидаги мисолда *адресант* → *адресат* тариқасида *буйруқ* ундаши амалга оширилган бўлиб, *ҳайдайверинг* — *ҳайдамоқ* феълнинг буйруқ майли иккинчи шахс шаклида ифодаланган. Буюриладиётган ҳаракат бевосита шофёр томонидан бажарилиши кутилади.

Немедленно приезжай, — *стрекотала маменька, понизив голос, добавила: — Знаю, что ты вредный, но Антоша, святая простота, расстроится, не увидев тебя!* (3, 260).

Бу мисолда *буйруқ* ундаши *приезжай* — *приезжать* феълнинг II шахс бирликдаги буйруқ майли ёрдамида бевосита, яъни *адресант* → *адресат* кўринишида берилган.

Демак, буюриладиётган топшириқни шахсан адресантнинг ўзи бажариши кўзда тутилган. Юқорида келтирилган мисолларда *буйруқ* ундаши *адресант* → *адресат* конструкцияси билан ифодаланган.

Шу билан бир қаторда, *буйруқ* ундаши билвосита ифодаланиши ҳам мумкин, бунда бирор-бир ишга ундаш восита орқали, яъни бировга бажартириш йўли билан амалга оширилади ва уни *адресант* →

адресат 1 → адресат 2 кўринишида акс эттириш мумкин, масалан: *C'est l'agonie, dit-il. Il sera mort demain matin. Prévenez cette pauvre jeune femme et envoyez chercher un prêtre. Moi, je n'ai plus rien à faire. Je me tiens cependant entièrement à votre disposition* (10, 172).

Ушбу мисолда *envoyez* феъли II шахс кўплик буйруқ майли (mode impératif) орқали ифодаланган. Буйруқ ундаши *адресант → адресат 1 → адресат 2* сифатида берилган, яъни шифокор (адресант) суҳбатдошига (адресат 1) беморнинг аёлини (адресат 2) руҳоний топишга жўнатишни буюряпти. Бу вазиятда руҳоний топиш буйруғини беморнинг аёли бажариши керак. Адресант ўз хоҳишини беморнинг аёлига бевосита эмас, балки суҳбатдоши орқали билвосита етказяпти. *Буйруқ* ундашининг бундай билвосита ифодаланишини *адресант → адресат 1 → адресат 2* конструкцияси билан акс эттириш мумкин.

Файрат энгил ихранди. — Озгина чида, болам, чида, — Равшанов шундай деб Нарзиевга юзланди: — Вертолётга олинглар, бир одамни кўшинг, тез орқага қайтсин (6, 233).

Бир одамни кўшинг, тез орқага қайтсин жумласида *буйруқ* ундаши билвосита ифодаланганлигини кўриш мумкин. Яъни Равшанов (адресант) Нарзиев (адресат 1), бир одам (адресат 2) ифодасидир.

Ну, выгоните вы его оттуда. Предупредите охрану, чтобы он мимо них обратно не проскочил. А еще лучше милицию вызовите, пусть с него в местном отделении объяснение возьмут (8, 285).

Бу мисолда адресант суҳбатдоши (адресат 1)га иккита билвосита *буйруқ* ундашини йўллаяпти: 1) у (адресат 1) қоровул (адресат 2)ни жиноятчи сездирмасдан ўтиб кетмаслигини таъминлаши ҳақида огоҳлантириши; 2) у (адресат 1) милиция (адресат 2)ни жиноятчидан милициянинг маҳаллий бўлимида тушунтириш хати олиши учун чақиришга буйруқ беряпти.

Шундай қилиб, француз, ўзбек ва рус тилларида *буйруқ* ундаши бевосита ва билвосита берилиши мумкин. *Буйруқ* ундашининг бевосита кўринишини *адресант → адресат* конструкция ёрдамида ифодаласак, ушбу ундашнинг билвосита кўринишини *адресант → адресат 1 → адресат 2* шаклида қайд этиш мумкин.

Француз, ўзбек ва рус тиллари олам манзарасида бевосита ва билвосита *буйруқ* ундашини ифодалашда феъллар муҳим роль уйнайди. Бунда *буйруқ* ундаши:

- 1) махсус феъллар иштирокида¹;
- 2) феълнинг инфинитив шакли ёрдамида;
- 3) феълнинг майл категорияси ёрдамида;
- 4) бошқа сўз туркуми (от, равиш, ундов сўзлар) ёрдамида ўз ифодасини топади.

Буйруқ ундашини англатувчи махсус феъллар қаторига француз тилида *ordre, ordre l'armé, ordre du combat, ordonner, donner l'ordre, commandement, précepte, injonction* кабилар қиради [1-жадвалга қаранг].

¹ Бу ерда ва бундан кейин: махсус феъл ёки махсус сўз дейилганда, бевосита луғавий маъноси ундовни англатувчи тил бирликлари назарда тутилади. Масалан: *буюрмоқ, илтимос қилмоқ, тавсия этмоқ* ва ҳ.к.

1-жадвал

Буйруқни ифодаловчи махсус феъллар

Француз тили	Ўзбек тили	Рус тили
<i>ordre</i>	<i>буйруқ</i>	<i>распорядиться</i>
<i>commandement</i>	<i>амр этмоқ</i>	<i>скомандовать</i>
<i>donner l'ordre</i>	<i>фармон чиқармоқ</i>	<i>велеть</i>
<i>ordre l'armé</i>	<i>топишириқ бермоқ</i>	<i>наказать</i>
<i>ordonner</i>	<i>кўрсатма бермоқ</i>	<i>повелеть</i>
<i>injonction</i>		
<i>précepte</i>		
<i>ordre du combat</i>		

Кўрсатилган махсус феъллар француз тилида ўз лингвомаданий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин, масалан: *ordre*, *ordonner*, *donner l'ordre* оғзаки ва ёзма нутқнинг кўп ишлатиладиган турига мансубдир. *Commandement*, *précepte* бирор-бир инсон томонидан буйруқни ифодалашда ишлатилиб, расмий доирада кўпроқ қўлланади. *Ordre l'armé*, *ordre du combat* ҳарбийларга хосдир. Масалан: *Quelques semaines avant l'audience, l'appelant a déposé une requête demandant à la Chambre d'appel d'ordonner au Procureur de communiquer des preuves à décharge* (9, 14). Ушбу мисолда буйруқ ундаши буйруқ маъносини билдирувчи махсус *ordonner* сўзи билан берилган. **Ordonner** француз тилининг 1-гуруҳ феъллар гуруҳига мансуб бўлиб, мисолда феълнинг ноаниқ шаклида берилган.

Ўзбек тилида буйруқни ифодаловчи махсус сўзларга *буйруқ*, *амр этмоқ*, *фармон чиқармоқ*, *топишириқ бермоқ*, *кўрсатма бермоқ* кабилар киради. Улар ёрдамида берилган буйруқ ундаши турлича тусга эга бўлади. Жумладан, *буйруқ* феъли орқали ифодаланган буйруқ нейтрал характерга эга. *Амр этмоқ* ифодасидаги буйруқ бадиий адабиётда ишлатилади. *Фармон бермоқ*, *фармойиши чиқармоқ*, *кўрсатма бермоқ* ифодалари ёрдамида бериладиган буйруқ расмий тусга эгаллиги билан ажралиб туради.

— *Хўп, хўп. Бу гапингизни инобатга оламиз, Вячеслав Александрович!*

— **Буюраман!** Буйруқни бажаринг! (4, 99). **Буюраман** сўзи орқали буйруқ ундаши махсус сўз билан берилган.

Рус тилида *приказать*, *указать*, *сделать* *дать распоряжение*, *распорядиться*, *предписать*, *заставить*, *завещать* феъллари буйруқ ундашини ифодаловчи феълларга киради.

— *А вы пока помолчите, — я вам приказываю, — вас пока никто не спрашивает!* (7, 29).

Юқоридаги мисолда *приказать* феъли I шахс бирлик орқали ифодаланган. Рус тили олам манзарасида *приказать* феъли билан бир қаторда *распорядиться*, *скомандовать*, *велеть*, *наказать*, *повелеть* феъллари буйруқ бериш маъносини англатади. *Распорядиться* феъли расмий-идоравий тусга эга. *Скомандовать*, *велеть* феъллари оғзаки нутққа хос.

Буйруқ ундаши феълнинг инфинитив шакли билан берилиши, асосан, француз ва рус тилларига хос. Ҳозирги замон француз тилида

Infinitif буйруқ (ordre) ундашени ифодалаб келади, масалан: *Agiter le façon avant de s'en servir. Ne pas exposer à l'humidité* (12, 190).

Ушбу мисолда *Ne pas exposer* феълнинг ноаниқ (Infinitif) шакли бўлиб, инкор шаклда берилган ва *буйруқ* ундашени ифодалаган.

Рус тилида ҳам феълнинг инфинитив шакли *буйруқ* ундашени беришда кенг қўлланади, масалан:

— *Брейк!* — *вдруг гаркнул Дабравольский так, что от дальней стены отвалился изрядный пласт штукатурки. — Стоять!* (7, 254).

Рус тилининг олам манзарасида инфинитив орқали *буйруқ* ундашени ифодалаш нутққа қатъийлик, мунозара ўринсизлиги, амр бажарилиши мажбурийлиги тусини олиб киради. Рус тилида бу каби *буйруқ* ундашени ифодалаш ҳарбийлар тилида буюришнинг асосий шаклидир.

Ўзбек тилида эса феълнинг инфинитив шакли *-моқ* қўшимчаси ёрдамида ясалиб, ҳаракат номини ҳосил қилади, бироқ *буйруқ* ундашени ифодалаш вазифасини бажармайди. Ўзбек тилида *буйруқ* ундашени инфинитив билан ифодалаш хос эмас.

Француз ва рус тиллари олам манзарасидаги инфинитив билан берилган *буйруқ* ундашенинг қатъийлиги ўзбек тили олам манзарасида феълнинг II шахс бирлик ва кўплик шакли ёки мажхул даражадаги феълларга *-син* қўшимчасини кўшиш орқали ифодаланади. Масалан: *Тозаликка рюя қилинг! Тозаликка рюя қилинсин!*

Тозаликка рюя қилинг! мисолида *буйруқ* ундаши бевосита II шахсга қатъий қаратилган бўлса, *Тозаликка рюя қилинсин!* мисолидаги *буйруқ* ундашида нафақат буюриш, балки огоҳлантириш, истак, илтимос каби маънолар ҳам мужассамлаштирилган. Ўзбек тили олам манзарасида *буйруқ* ундашенинг юмшатиб берилишини куйидаги мисоллар қиёсида кўриш мумкин:

Не прислоняться! рус тилида *буйруқ* ундаши инфинитив орқали берилган бўлиб, қатъийликни ўзида мужассамлаштирган.

Илтимос, суянмангиз! ўзбек тилида хурмат, олийжаноблик ва мулойимликни ўз ичига олган.

Attention! Ne mets pas tes mains sur les portes, tu risques de te faire pincer très fort. Француз тилида ушбу *буйруқ* ифодаси ўз ичига огоҳлантиришни олган бўлиб, ўзбек тилидаги сингари юмшоқроқ ифода билан берилган.

Демак, француз ва рус тиллари олам манзарасида *буйруқ* ундашени феълнинг инфинитив шакли орқали ифодалаш кенг қўлланилиб, қатъийликни акс эттиради. Аммо ўзбек тили олам манзарасига бу ҳолат зид.

Феълнинг *майл категорияси* ёрдамида берилган *буйруқ* ундаши адресант томонидан адресатга йўлланган хабар маъносида бўлиб, унда майл категориясига қараб гапнинг маъно турлари ва модаллик хусусияти белгиланади. Масалан: *Écoute, j'ai bien réfléchi toute la nuit. Je suis l'aînée. Je réfléchis plus que toi. Toi, c'est ce qui te passe par la tête tout de suite, et tant pis si c'est une bêtise. Moi, je suis plus pondérée* (9, 24).

Ушбу мисолда *буйруқ Écoute* феъли ҳозирги замонда II шахс бирлик кўринишида *буйруқ* ундашени ифодалаган.

— *Яхшиликча очинг!*

— *Очолмайман...* — *деди чорасиз аёл йиғламсираб.*

— *Калитни беринг, арзимаган нарса деб укажонимнинг жонини оғритманг* (6, 248). Юқоридаги мисолда *очинг, беринг, оғритманг* феъллари буйруқ майлида ифодаланган бўлиб, иккинчи шахс кўпликда келган. Феълнинг кўплик шакли бунда бир шахсга қаратилган бўлиб, хурмат маъносини англатмоқда.

Славик позеленел и похоже, был готов в любой момент свалиться со стула в глубоком обмороке.

— *Прекрати,* — *повысил голос Лев Николаевич* (7, 89). Буйруқ ундаши *прекратить* феълнинг буйруқ майли II шахс бирлик шаклида берилган.

Француз, ўзбек ва рус тилларининг олам манзарасида феълнинг майл категорияси ёрдамида *буйруқ* ундашнинг ифодалаш орқали буйруқнинг турли семантик хусусиятлари етказиб берилди. Жумладан, феълнинг буйруқ майли II шахс бирлик ёки кўплик шакли қатъий буйруқ, илтимосли буйруқ, ўтинчли буйруқ, маслаҳатли буйруқ кабиларни ифодалади.

Қатъий буйруқ — буйруқнинг қатъий тарзда ифодаланганлигини билдириб, бевосита бошлиқ томонидан ходимга, каттанинг кичикка, бир сўз билан айтганда, бир поғона баланд турувчи шахс томондан берилди, масалан:

J' ordonne que l'épicerie soit ouverte de huit heures du matin jusqu'à minuit et même le dimanche (11, 14).

Француз тилида *soit ouvert* ифодаси орқали être ёрдамчи феъл иштирок этганлиги қатъий ундашнинг ифодаланган бўлиб, хохиш-истак майли орқали берилган.

Бошлиқ ижирганиб сўкингиси келди-ю, “нозик тоға” хусусидаги огоҳлантиришни эслаб, ўзини босди. Лекин сенсиранига ўтишдан ўзини тиёлмади. — Дўланақшилоққа борасан. Ўша ердаги магазинчи қаёқдандир ароқ олиб келиб сотаётганмиш. Шуни аниқла (6, 93).

Мисолдаги *аниқла* сўзида қатъий буйруқ ифодасини кўриш мумкин. *Аниқла* буйруқ майлидаги II шахс бирлик шаклидаги феъл бўлиб, бевосита бошлиқнинг ходимга берган буйруғидир. Адресат томонидан эътирозга ўрин йўқ.

— *А вы пока помолчите,* — *не поворачиваясь к Люсинде, велел милицейский,* — *вас пока никто не спрашивает, кого вы встречаете!* (7, 27). Рус тилидаги мисолда *помолчите* қатъий буйруқ ифодаси мисолнинг оҳангида ҳам ўз аксини топган.

Демак, мисоллардан билиш мумкинки, қиёсланаётган тилларда қатъий ифодаланган *буйруқ* ундаши бевосита адресатга қаратилган бўлади. Қатъий буйруқ сўзсиз амалга оширилади, яъни кўп ҳолларда уни бажариш мажбурий ҳисобланади. Буйруқнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигига адресант (буйруқ берувчи) ўзи масъулдир.

Илтимосли буйруқ — буйруқнинг илтимос билан ижро этилганлигини кўрсатади, аммо контекстда буюриш оҳанги орқали ифодаланади, масалан: *Va nous faire du café. Je voudrais bien un peu de café, s'il te plaît, nounou* (9, 21). Ушбу мисолда *Va nous faire du café* дея буйруқ берилган ва *s'il te plaît* орқали вазият юмшатилади.

Энажон! — *Лочин онасининг елкасини қаттиқроқ қучиб, у юзибу юзидан чўл-чўл ўнди.* — *Сал ўзингизни тутинг. Сабр қилинг. Ахир отам айтганлар: энангни сенга, сени худога топширдим, деганлар...* (4, 78). Мисолда *сал ўзингизни тутинг* ва *сабр қилинг* ифодасида

фарзанднинг онасига нисбатан буйруғи билан бир қаторда илтимос оттенкаси яққол кўзга ташланади. Буйруқ+илтимос ифодасида фарзанд онага буюриш билан бирга далда ҳам беряпти.

— *Луна, Липочка, ты послушай! Ну послушай, а? Просыпаться не было никаких сил, но кто-то настойчиво тряс её за плечо и приговаривал: — Луна, Липочка, ну послушай!* (7, 5). Рус тилида ундаш такрор келганлиги натижасида буйруқ **ты послушай! Ну послушай, а** ифодасида буйруқ+илтимос маъноси юзага келган.

Демак, қиёсланаётган тилларда илтимосли *буйруқ* ундаши мавжуд. Уларни контекстдан билиш мумкин.

Ундашнинг лингвомаданий хусусиятлари сифатида ўтинчли буйруқ намоён бўлишикузатилди, яъни буйруқялинганнамо оҳангда ифодаланиб, унда ўтинч ифодасини кўриш мумкин. Масалан:

*Бақирманг, дадаси, секин-эй,
Овозингиз бирам текин-ей,
Уйимнинг қайтига бекинай
Бировнинг боласи уйимда* (5, 17).

Ушбу феъл ифодалаётган маънолар орасида градуонимия ҳодисаси кўзга ташланади. Градуонимия — луғавий бирликларнинг ўзаро маъно муносабатига кўра муайян даражаланиш қаторидир. Яъни бир белгининг оз-кўплиги, турли даражадаги ишора маъновий омил билан боғлиқдир.

Градуонимия ҳодисаси сўзлардаги лексик-семантик маъноларнинг таъсирчанлигини ифодалайди. Чунончи, *дод солмоқ, дод-фарёд кўтармоқ, дагдага қилмоқ, дўқ урмоқ, нўписа қилмоқ* бирикмаларидаги таъсирчанлик “овози борича бақирмоқ” бирикмасининг таъсирчанлигидан кўра кучлироқдир.

Бақир+ма (феълнинг инкор шаклини ясовчи кўшимчаси)+нг (II шахс кўплик, буйруқ майли кўшимчаси) кўшилиши натижасида инкор асосидаги *бақирманг* феълида буйруқ бериш билан бирга ялиниш, илтимос семасини кучайтириш орқали ўтинч маъноси матндан аниқ билинади. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, миллий урф-одати, оилавий муносабатига кўра аёлнинг эрига нисбатан *бақирманг* дея буйруқ бериши мумкин эмас.

Француз, рус ва ўзбек тилларида оилавий муносабатларга доир бир қанча мисолларни таҳлилга тортдик. Аммо француз ва рус тиллари мисолларида *ўтинчли буйруқ* ифодаси ўзбек мисолларидагидек яққол кўзга ташланмайди. Чунки уларнинг олам манзарасида *ўтинчли буйруқ* айнан илтимос ва ўтинч ифодасига хос.

Шундай қилиб, француз, ўзбек ва рус тилларида *буйруқ* ундашнинг ўтинч орқали ифодалаш кўпроқ ўзбек тилининг миллий-маданий хусусиятига хос. Чунки ўзбек менталитетида оилавий шароитдан келиб чиқиб, аёлнинг эрига нисбатан буйруқ бериши ўринли эмас, аёлнинг бу ундашнинг ўтинч орқали ифодалаб, ўз мақсадига етишига мисоллар таҳлилидан гувоҳ бўлдик. Ундашнинг ўтинч орқали билдирилиши ижобий яқун топишига, яъни сўзловчи мақсадига эришишига сабаб бўлиши мумкин.

Зардали буйруқ қатъий буйруққа яқин бўлиб, одатда, у эмоционал-экспрессив характерга эга. *Қатъий буйруқ* доим ҳам зарда билан ифодаланмайди, *зардали буйруқ* эса кўп ҳолларда қатъий тусга

эга. *Зардали буйруқ* ундаши нутқда, асосан, тегишли оҳанг билан берилади.

Rien, *nounou. Je suis seulement encore un pue petite pour tout cela* (9, 33).

Ушбу мисолда француз тилида **Rien** орқали зардали буйруқ ифодасини кўриш мумкин.

Унча баланд бўлмаган довонга етишигач, орқа томондан зардали буйруқ янгради: — **Шу ерда тўхтам** (6, 236).

Бу буйруқ қатъий, яъни зарда билан айтилганлиги боис уларни синоним ҳисоблаш мумкин. Яъни қатъиятни **шу ерда тўхтам** ифодасидан билиш мумкин.

— *Липа, я хочу поговорить с тобой без свидетелей. И я требую, чтобы ты попросила свою подругу... уйми* (7, 258). Рус тилидаги мисолда ҳам **я требую** буйруғининг қатъийлиги оҳанг орқали ҳамда матндаги зардали буйруқ ифодаси орқали англашилмоқда.

Маслаҳатли буйруқ — буйруқнинг бу тури маслаҳат орқали ифодаланган бўлиб, бевосита отанинг фарзандига, қарининг ёшга, бирор кимсанинг ўзига яқин олган инсонга нисбатан берилиши мумкин бўлган буйруқда яширинган маслаҳатидир, масалан:

Va-t'en trouver ma femme, elle t'arrangera ton affaire aussi bien que moi. Je l'ai dressé à cette besogne-là (10, 50).

Юқоридаги мисолда буйруқ+маслаҳатнинг ифодаси мавжуд бўлиб, *s'en aller* ёрдамчи феъли билан ифодаланган. Гапнинг биринчи қисми буйруқни ифодалаган, иккинчи қисмида эса маслаҳат семаси мавжуддир.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,

Бахтингни йўлини тўсмасин,

Совчига ёмонлаб қўймасин,

Бировнинг боласи уйимда (5, 17).

Одатда, ўзбек оиласида оила бошлиғи томонидан буйруқ берилади. Шу билан билан бир қаторда, онанинг фарзандга буйруқ бериши табиий ҳол. Бўйи етган қизга она ўз буйруғини маслаҳат орқали амалга оширса, яхши натижага эриша олади. Психологик томондан қизга тушунтириб, *ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин* деб қатъий буйруқ бериши натижасиз яқун топиши мумкин эди, лекин *бахтингни йўлини тўсмасин, совчига ёмонлаб қўймасин* деб илтимосни ўз ичига олган ифодани бериш орқали масалани ижобий ҳал қилишга эришиш эҳтимоли юқори. Миллий урф-одатларга кўра бўйи етаётган қизни совчи сўраб келиши табиий ҳол эканлиги тушунтирилган ва унда буйруқ+маслаҳат ифодаси муваффақиятли натижа берган.

— *Главный не принимает авторов, — деликатно сообщила девушка.*

— *Вы ведь автор, да?*

— *Да.*

— *Вы пренисли рукопись?*

— *Принёс.*

— **Оставляйте** (7, 69).

Ушбу мисолда *буйруқ* ундаши *оставить* феъли билан эмас, *оставлять* феълидан буйруқ майли ёрдамида берилиши буйруқнинг қатъийлигини юмшатиб, илтимос семасини кучайтиряпти.

Демак, маслаҳатли буйруқ ифодаси гапнинг бош қисмида буйруқ берган бўлса-да, иккинчи қисмида *оставляйте* дея маслаҳат бергани кўзга ташланади.

Буйруқда орзу-истак — буйруқнинг бу ифодаси ўзида орзу-истакни ва шу билан бирга ниятни мужассамлантирган бўлиб, миллийликни ўз ичига олади, десак муболаға бўлмайди. Машхур француз аристократининг энагаси ўз эгасини “*Вставайте, граф, Вас ждут великие дела!*” дея уйғотган экан. Ўзбек шоирасининг куйидаги парчасида ушбу мисраларни учратдик:

Бир жангари саркарданинг онаси,

Уч – тўрт ёшли бўлганида боласи,

Уйғотар экан, шарт очиб хонасин:

“Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти” (5, 32).

Ушбу шеърини парчада **турмоқ** феъли буйруқни ифодаловчи восита сифатида қўлланган. Мазкур сўзнинг “Ўзбек тили изоҳли луғати”да 13 маъноси келтирилган бўлиб, асосий ва бош маъноси “оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ” демакдир. Қолган маънолари эса, матн мазмунидан келиб чиқиб ойдинлашади. Чунончи, биз келтирган *тур* ўзагига *-инг* қўшимчасини қўшиш орқали болага нисбатан *истак*, *ҳурмат*, *эркалаш*, *илтимос*, *маслаҳат* каби қўшимча маънолар ифодаланмоқда. *Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти* ифодасида болани сизлаб, буйруқнинг феълнинг буйруқ майли II шахс кўплик шакли орқали берилишида ўзбек халқига хос миллийликни кўриш мумкин. Болага нисбатан *ҳурмат*, *эркалаш*, *илтимос*, *маслаҳат* маъноларининг ичида онанинг ўғлига нисбатан нияти ҳам билдирилади. Демак, бу ўринда буюриш, яъни буйруқ семаси анча сусайган.

Болага сизлаб буйруқ беришни француз ва рус менталитетида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ француз ва рус тилларида бундай мурожаат кам ҳолларда учрайди, асосан, ўтмишда зодагонларнинг фарзандларига нисбатан қўлланган. Ўзбек тили олам манзарасида эса бундай *буйруқ* ундашини болаларга нисбатан ишлатиш кундалик ҳаётда кўп учрайди, баъзи бир воҳалар учун эса болани сизлаш анъанавий меъёрдир.

Демак, буйруқда *истак-хоҳиш* ифодаси кўпроқ ўзбек тили олам манзарасига хос. Чунки *истак-хоҳиш* ифодаси ундашнинг тилак семасига боғлиқ бўлса-да, аммо ўзбек тилининг буйруқдаги хоҳиш истагида ният мужассамлашган бўлади.

Таҳдидли буйруқ — буйруқнинг бу ифодаси ўз ичига бирор кимса томонидан бошқа бировга нисбатан қилинадиган таҳдид, яъни кўрқитишни ифодалайди. Масалан: — *Chien! Fils de chienne! Polisson du diable! Charogne! Ça finira mal... Un de nous est de trop* (9, 10). Ушбу мисолда буйруқ+таҳдид ифодаси амалга ошмаган ҳаракат бўлса-да, *Ça finira mal* ифодаси билан таҳдид яққол намоён бўлган.

— *Аввалига смартфонингизни бериб турсангиз, қўрқманг, ишим битгандан кейин ташлаб кетаман* — у шундай деб бир қўлига болани босганича, иккинчи қўли билан *пастак стол* устидаги смартфонини олиб, чўнтагига солди-да, аёлга **таҳдидли** овозда буюрди: — **энди адамнинг сейфларини очиб беринг** (6, 238).

Энди адамнинг сейфларини очиб беринг иборасидан кўриниб турибдики, ушбу гапда буйруқ маъноси мавжуд. Муаллифнинг *аёлга таҳдидли овозда буюрди* изоҳидан буйруқ таҳдидли тусга эга

эканлигини билиш мумкин. Бунда тахдидли буйруқ ундаши оханг орқали ифодаланган.

— *Снаружи в дверь словно ломился людоед — все стена сотрясалась и ходила ходуном.*

— **Открывай, все ровно достану! Открывай, б...ь!** — *И мат, мат, мат, какого Люсинде даже на своём рынке не слыхала (7, 190).* Рус тилидаги мисолда ҳам **Открывай, все ровно достану! Открывай, б...ь!** кўпол ифода тарзини юзага келтирган.

Демак, қиёслаётган тиллардаги феълларнинг буйруқ майли олам манзараси тахдидли буйруқ ифодаси сифатида ҳам хизмат қилади. Ҳар қандай тахдид одатда буйруқ ундаши билан амалга оширилади, десак, хато бўлмаса керак.

Даъватли буйруқ — асосан оммага нисбатан қаратилган бўлиб, унинг мақсади буйруқ ифодасида даъват этишдан иборат. Масалан: *protegeons la nature! Табиатни асрайлик! Оналарни эъозлайлик! Берегите природу!*

Шундай қилиб, феълнинг буйруқ майли буйруқ ундашини маъно жиҳатидан турлича ифодалайди. Буйруқнинг маъно оттенкалари контекст орқали намоён бўлади. Улар турли интонация билан талаффуз этилиб, адресатни адресант томонидан бирор-бир ҳаракатга ундайди. Француз ва рус тилларида даъватли буйруқ феълнинг буйруқ майли II шахс кўплик шакли билан ифодаланса, ўзбек тилида бу ифода билан бир қаторда буйруқ майли I шахс кўплик шакли ҳам кенг қўлланилади. Масалан: *Берегите природу! Табиатни асранг! Табиатни асрайлик!*

Хулоса. Демак, турли тизимли тиллар олам манзарасида буйруқни ифодалаш орқали сўзловчи ўзи хоҳлаган йўлини (ифода планини) танлаб, ўз ундаши орқали омадга ёки омадсизликка эришиши мумкин. Қатъий, зардали ва тахдидли *буйруқ* ундашида интонация кучли бўлади; маслаҳат, илтимос маъноларини ифодалаган гапларда ўртача; орзу-истак *буйруқ* ундашини ифодалашда ўртачадан бир оз юқори бўлади. Қиёсланаётган тилларда мисолларни таҳлил қилиш пайтида шунинг гувоҳи бўлдики, *буйруқ* ундашининг феълнинг буйруқ майли ёрдамида ифодаланишида юкламалар кенг иштирок этиши мумкин. Улар буйруқ ундашига қўшимча маъно оттенкаларини киритиб, нутқ тасвирийлигини бойитади. Француз, ўзбек ва рус тилларида юкламалар феълнинг буйруқ шаклига қўшилиб, буйруқ ундашига турли тус бериш орқали нутққа ўзгача тасвирийлик олиб кириши билан характерланади. Француз тилида *si, ne ... pas, ne...rien, ne...* юкламалари буйруқ ундашини ифодалашда фаол қатнашади. Масалан: *Si tu m'aimes, écris moi un poème! Je n'ai rien fait qui ne soit légal.*

Ўзбек тилида *-чи* юкламаси феълнинг буйруқ майли шаклига қўшилиб келганда, кучайтирув, таажжуб маъноларини англатади:

— *Қўшимча савол денг? Ҳм... — деди чол, — хўш... ҳмм... қани арифметик прогрессия формуласини ёзиб беринг-чи!* (4, 209).

-чи юкламаси феълга қўшилганда *буйруқ* ундашига дўқ, илтимос, хоҳиш маъносини қўшиш билан бирга кинояни ҳам бериши, иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга даъват этиши ҳам мумкин, масалан: *Тезроқ кела қолсангиз-чи, келинпоиша.* Ушбу мисолда буйруқ феълнинг бўлишли шаклдаги кўмакчи феълга қўшилиб келганлиги боис буйруқ юмшоқ охангда. Агар бўлишсиз шаклдаги етакчи феълга

бўлишли шаклдаги кўмакчи феъл қўшилса, дўк маъноси ифодаланади, масалан:

— *Уйга кир, болам! Қани уйга кирмай кўр-чи, шамоллаб қолсан!*

Рус тилида ҳам *буйруқ* ундашини юкламалар орқали бериш мумкин. Масалан: *Давай быстрее разбирайся в своих делах и приступай на свою работу. Давай* юкламаси *буйруқ* ундаши орқали интенсивлик даражаси ошганлигини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, қиёсланаётган тилларда *буйруқ* ундаши махсус феъллар иштирокида, инфинитив ва майл категориялари орқали ифодаланиб келиши мумкин. Бунда *буйруқ* ундашининг инфинитив ёрдамида берилиши, асосан, француз ва рус олам манзарасига хос бўлиб, буйруқнинг қатъийлиги, мажбурийлиги ифодаланади. Ўзбек тилида *буйруқ* ундаши инфинитив ёрдамида ифодаланмайди, феъл майллари кўп ҳолларда андиша, ҳурмат ва хушмуомалалик қадриятларига асосланган ҳолда буйруқнинг ўз ифодасини топишида фаол иштирок этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, адресант *буйруқ* ундаши орқали адресатни ҳаракатга ундабгина қолмай, ҳаракатни амалга оширишини ундан турлича сўрайди, буюради, талаб қилади. *Буйруқ* ундашининг маъно оттенкалари ҳар хил юкламаларни қўллаш орқали яққол берилади. Шу туфайли нутқнинг бўёқдорлик ва тасвирийлик хусусияти ошади.

Француз, ўзбек ва рус тилларида *буйруқ* ундашини ифодаловчи тил бирликларининг таҳлили шуни кўрсатдики, *буйруқ* ундаши отлар, равишлар ва ундов сўз туркумлари ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бунда *буйруқ* ундашини ясада феъллар қатнашмайди. Буйруқ маъноси контекстда от, равиш ёки ундов сўзлар орқали берилади. Масалан: *Silence! La leçon commence. Attention aux marches!* Ушбу мисолда *Silence* от сўз туркумига мансуб бўлиб, “тинчланинг, жим бўлинг” маъносида қўлланган. *Attention* ифодаси ҳам от сўз туркумига мансуб бўлиб, “зинапоёда эҳтиёт бўлинг” буйруқ ифодаси огоҳлантиришни ҳам ўз ичига олади.

— *Қочиш кераклигини ҳамма биларди. Лекин “қаёққа?” деган саволга ҳеч ким тайинли жавоб беролмасди. Бу саволга биринчи бўлиб жавобни даъватчи топди:*

– *Обкомга!* — *деб чинқирди у (2, 44).* Мисолда *Обкомга!* сўзидан буйруқ ифодаси англашилиб, от сўз туркуми билан ифодаланганлиги кўзга ташланади.

— *Я повернулась на каблуках и направилась к двери быстро-быстро, пока начальник не передумал.*

— *Минуточку...* . Ушбу мисолда *минуточку...* от туркумига оид сўз ёрдамида тўхтаб туриш ҳақидаги буйруқ ифодаланган. Рус тилида отлар иштирокида *буйруқ* ундашини ифодалаш ҳоллари кўп учрайди.

Буйруқ ундашини ифодаловчи равишлар турли гуруҳларга бўлинса-да, улар ҳаракатнинг ҳар хил белгиларини билдириб, бажарилишга ўз таъсир кучини кўрсата олади. Аксарият ҳолларда *буйруқ* ундашини ифодалаш учун ҳолат, пайт равишларининг оддий ва қиёсий даражалари қўлланади.

Француз тилида равишлар бирор-бир ҳаракатни кучайтириш мақсадида ишлатилади. Ушбу мисолни кундалик ҳаётдан олишга қарор қилдик, чунки бу вазиятга бир неча бор гувоҳ бўлганмиз. Масалан:

- *Bonjour, Alliance Française de Tachkent vous écoute.*
- *Bonjour, je suis Aziza Muminova. Est-ce je peux parler avec madame Michèle?*
- **Un instant. Un instant** равиш орқали кутиб туриш ҳақида буйруқ берилган.
- *Қани, кўп имиллайвермасдан тезроқ, тезроқ, жононлар, — деди Олмос.*
- **Вақт зиқ!** Равиш ўз таъсирини **тезроқ, тезроқ** тил бирликлари орқали ифодалаган ва ҳаракатнинг тезлашишига ундаган.

Если сказать честно, Нюша всегда заботилась о бо мне больше, чем Николетта, та только впрахивала в детскую, чтобы подцеловать меня перед отъездом на очередную тусовку. Все моё детство прошло под шепоток Нюши:

— **Тише, мама спит!** (3, 281). Мисолда **тише** равиши иштирокида буйруқ ундаши (*не шуметь*) маъноси ифодаланган.

Умуман олганда, равишлар орқали буйруқ ундашини ифодалаш қиёсланаётган тилларда адресантнинг адресатга нисбатан ҳаракатни бошлашини ёки тўхтатишини ва қандай амалга ошириш тўғрисида кўрсатма беришини англатади.

Буйруқ ундашининг ифодаланиши ундов сўзлар ёрдамида амалга оширилса, нутқнинг эмоционаллик хусусияти кучаяди. Ундов сўзлар *буйруқ* ундашини ифодалашда, адресантнинг адресатга қаратилган даъвати, талаби ва хоҳишини билдиради. Француз тилида ундов сўзлар хурсандчилик, ҳайратланиш, завқланиш, афеусланиш каби ҳолатларни ифодалаб келади. Масалан: *Bientôt les vacances. Quelle chance! Bravo! Vous avez gagné!*

Ўзбек тилида ундов сўзлар *буйруқ* ундашини беришда ҳаракатга келтириш ёки ҳаракатдан тўхтатиш амрини билдиради.

1) ҳаракатни бажаришга чақирувчи ундовлар ҳайвон ва паррандаларга нисбатан ишлатилишга хосланган: *чу, тсс* (отга), *хих* (эшакка), *моҳ-моҳ* (кўйга), *ту-ту-ту* (товуққа) каби;

2) ҳаракатни бажармасликка чақирувчи ундовлар ҳам, асосан, ҳайвон ва паррандаларга нисбатан ишлатилишга хосланган: *дурр, так* (отга), *иш* (эшакка), *хўш* (хўкизга), *кишит* (паррандага) каби.

Умуман олганда, *буйруқ* ундашининг ундов сўзлар ёрдамида ифодаланиб келиши нутққа фамиляр тус олиб киради.

Демак, француз, ўзбек ва рус тилларида *буйруқ* ундашини етказишда от, равиш ва ундов сўзлардан фойдаланилади. Қиёслаётган тиллар сўз туркумларининг маъновий ва услубий хусусиятлари мазкур тиллар олам манзарасида *буйруқ* ундашининг ўзига хослигини белгилайди.

Буйруқ ундашини от, равиш, ундов сўзлар орқали ифода этиш феъл шакллари ёрдамида ифода этишдан фарқли равишда, асосан, жонли сўзлашув нутқида хос бўлиб, ўз эмоционал-экспрессивлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, сўзловчи қанчалик ҳаяжонланган бўлса, унинг нутқи шунчалик тартибсиз яратилади, демак, унинг хоҳиш-истаги мужассамлашган гапнинг ўлчами қисқароқ бўлади. Ўз навбатида, гапнинг ҳажми ундаги буйруқ-истакнинг

натижасига таъсир қилади: гап қанчалик қисқа бўлса, буйруқ ҳам шунчалик қатъий бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маслова А.Ю. Коммуникативно-семантическая категория побудительности и ее реализация в славянских языках (на материале сербского и болгарского языков в сопоставлении с русским): автореф. дисс. ... докт. филол. наук. — М., 2009.
2. Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. — Т., 1998. — 720 б.
3. Ёқубов О. Танланган асарлар. — Т., 2005. — 447 б.
4. Донцова Д.А. 13 несчастий Геракла. — М., 2005. — 352 с.
5. Каримова М. Шукур, шукур, минг шукур: шеърлар. — Т., 2009. — 150 б.
6. Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. — Т., 1998. — 720 б.
7. Устинова Т.В. Дом-фантом. — М., 2005. — 352 с.
8. Топильская Е.В. Белое, черное, алое.... — М., 2003. — 448 с.
9. Jean Anouilh. Antigone. — Paris, 2009. — 352 p.
10. Guy de Maupassant. Bel Ami. — М., 2012. — 416 p.
11. Éric-Emmanuel Schmitt. Monsieur Ibrahim et les Fleurs du Coran. — P., 2001. — 59 p.
12. Maalouf A. Samarcande. Roman. Editions Jean Claude Lattès 1988. — 190 p.
13. Michel Laporte. L'Empire entre les fleuves. — P., 2005. — 376 с.

References

1. Maslova A. Yu., *Kommunikativno-semanticheskaya kategoriya pobuditelnosti i eyo realizatsiya v slavyanskix yazykax (na material serbskogo i bolgarskogo yazykov v sopostavlenii s russkim)* (The communicative-semantic category of motivation and its implementation in the Slavic languages (based on the material of the Serbian and Bulgarian languages in comparison with Russian)), Extended abstract of Doctor's thesis, Moscow, 2009.
2. Toxir Malik., *Shaytanat* (Devildom), vol. 2, Tashkent, 1998, 720 p.
3. Ykubov O., *Tanlangan asarlar* (Selected works), Tashkent, 2005, 447 p.
4. Dontsova D.A., *13 neschastii Gerakla* (13 misfortunes of Hercules), Moscow, 2005, 352 p.
5. Karimova M. *Shukur, shukur, ming shukur: sherlar* (Thanks, thanks, a thousand thanks: poems), Tashkent, 2009, 150 p.
6. Toxir Malik., *Shaytanat* (Devildom), vol. 2, Tashkent, 1998, 720 p.
7. Ustinova T.V. *Dom-fantom* (The Phantom House), Moscow, 2005, 352 p.
8. Topilskaya E.V., *Beloe, chernoe, aloe....* (White, black, scarlet ...), Moscow, 2003, 448 p.
9. Jean Anouilh., *Antigone*, Paris, 2009, 352 p.
10. Guy de Maupassant. *Bel Ami*, Moscow, 2012, 416 p.
11. Éric-Emmanuel Schmitt. *Monsieur Ibrahim et les Fleurs du Coran*, 2001, 59 p.
12. Maalouf A., *Samarcand* (Samarkand), Paris, Editions Jean Claude Lattès, 1988, 376 p.
13. Michel Laporte. *L'Empire entre les fleuves*, 2005, 376 p.